

Жамиятда маданият хавфсизлиги



Режа:

1. Жамиятда маданият ва унинг аҳамияти.
2. Жамиятдаги маданият турлари.
3. Маданиятга таҳдид солаётган хавфлар ва уларнинг таъсир оқибати.

МАДАНИЯТ — жамият, инсон


- Ижодий куч ва қобилиялари тарихий
- тараққиётининг муайян даражаси. Ки-
- шилар ҳаёти ва фаолиятининг турли
- кўринишларида, шунингдек, улар яратা-
- диган моддий ва маънавий бойликларда
- ифодаланади. «М.» тушунчаси муайян
- тарихий давр (антик М.), конкрет жами-
- ят, элат ва миллат (ўзбек М.и), шунинг-
- дек, инсон фаолияти ёки турмушининг
- ўзига хос соҳалари (мас, меҳнат М.и, ба-
- дий М., турмуш М.и)ни изохлаш учун
- қўлланилади.
- Тор маънода «М.» атама-
- си кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти
- соҳасига нисбатан ишлатилади.

■ **М**арабча мадина (шахар) сўзидан

- келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини
- икки турга: бирини бадавий ёки сахроий
- турмуш; иккинчисини маданий турмуш
- деб атаганлар. Бадавийлик — кўчманчи
- ҳолда дашту сахроларда яшовчи
- халқларга, маданийлик — шаҳарда ўтроқ
- ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга
- бўлган халқларга нисбатан ишлатилган.
- Ўрта аср маданиятининг буюк на-
- мояндалари Абу Али ибн Сино, Беру-
- ний ва б. шаҳар турмуш тарзини жамо-
- аниг етуклиқ шакли сифатида талқин
- қилганлар. Мас, Форобий фикрича, ҳар
- бир инсон ўз табиатига кўра, «олий да-
- ражадаги етуклиқка эришиш учун ин-
- тилади», бундай етуклиқка фақат шаҳар
- жамоаси орқалигина эришилади.


■ Ахлоқий маданият - инсонни маънавий ва маданий жиҳатдан камолотга етказувчи жараёндир. Ахлоқий маданият болаликдан шакланади. Ёши улғайиши билан ахлоқ даражаси кенгайиб боради. Ахлоқий маданият- Ватанга, жамиятга, миллатга, тилга, урф-одатга, таримхга, келажакка, табиатга бўлган муносабатларда кишиларнинг бир-бирларига, оиласга қилган ҳатти-ҳаракатларида, хулқининг норма ва қоидаларида намоён бўлади.

□ Муомала маданияти деб- давлатлар, синф, ижтимоий груп, жамоалар ва шахслар орасидаги муносабатларда маданийликнинг барча талабларига риоя қилишга айтилади.



“Оммавий маданият” хавфи

- Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарларида маънавият соҳасида кўтарган муҳим мавзулардан бири, “Оммавий маданият” масаласидир.
- Хўш, «оммавий маданият» нима?

- 
- «Оммавий маданият» нима? У нимаси билан хатарли?
 - Глобаллашув билан боғлиқ оммавий маданият оммавий ишлаб чиқариш, «кўнгил очиш индустрияси» томонидан яратилган, омма истеъмолига мўлжалланган маданиятнинг сийқалаштирилган намуналари кўринишидаги салбий ҳодиса сифатида намоён бўлмоқда ва уни амалда “оломон маданияти” деб таърифласак тўғри келади.
 - «Оммавий маданият» туб моҳиятига кўра миллий маданиятларниң кушандасидир.
 - «Оммавий маданият» сценарийсининг асосий «муаллифи» саналган АҚШда «Ягона миллат» — «америкалик» деган тушунчанинг вужудга келиши учун олиб борилган узоқ муддатли мафкуравий кураш алал-оқибат халқни бирлаштиради.

- Иқтисодий ва сиёсий глобаллашув билан тенгма-тенг холатда фан, маданият, таълим ва ахлоқ соҳасидаги жараёнларни ифодаловчи ижтимоий-маданий глобаллашув ҳам содир бўлаётганлигини ёддан чиқармаслигимиз зарур.
- “Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ўз халқининг ҳаётий-миллий қадриятларига, соғлом негизда шаклланган дунёқараши ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкор, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол”, дейдилар муҳтарам Президентимиз ўз асарларида.
- Демак, бу ёвуз кучларнинг таъсирини олдини олиш, ёшларимиз руҳиятида миллий маънавий-мафкуравий иммунитетни кучайтириш шу юртда яшаётган барчамизнинг энг зарур вазифаларимиздандир.


- Юртбошимиз таърифлаганларидек, “Четдан биз учун Мұтлақо ёт бўлган маънавий ва аҳлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият”нинг ёпирилиб келишини унутмаслигимиз керак”.
- Юртбошимизнинг “оммавий маданият” тўғрисида айтган таърифлари энг мақбул таъриф бўлиб, “оммавий маданият” асосини маънавий ва аҳлоқий тубанлик иллатлари ташкил қиласди.
- Агар уни кенгроқ ўрганадиган бўлсак, “оммавий маданият” аслида нима? Нимаси билан хатарли? деган саволларга Мухтарам Юртбошимизнинг қуидаги сўзларидан жавоб топамиз:
 - “Оммавий маданият” бу аҳлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик ортириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдиддир”.

“Оммавий маданият” - инсон шаклланишининг энг муҳим пайти бўлган 15-25 ёшлар орасида ёшларниң ҳаётини ва дунёқарашини бузиб юборишга ҳаракат қиласди. Ёшлар омили доимо долзарб масала бўлиб келган. Ёшлик шундай бир чорраҳадирки, инсон келгуси ҳаётини ўша чорраҳада белгилаб олади. Юксак маданиятли, ор-номусли гўзал инсонларниң изидан юрадими ёки бузуқлик ва ҳаёсизлик кўчасига юз бурадими? Бу сиз билан бизга ҳам боғлиқдир.

Ёшларимизни “оммавий маданият” таҳдидларидан асраш учун юксак инсонийлик ва одобга асосланган **миллий мафкурага** таянишимиз муҳим ахамиятга эга. Бунда эътиборимизни мазкур мафкурамизниң комил инсон бўлиш тамойилига қаратишимиз билан бирга аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган урф-одатларимизга, гўзал анъаналаримиз ва диний қадриятларимизга суюнишимиз шубҳасиз кутилган самарани беради.


■ Миллий қадриятимиз асосини ҳаё ва оқибат ташкил этади. Айниқса, миллий қадриятимизнинг гўзал кўриниши аёлларимиз, яъни оналаримиз, қизларимиз, жуфти ҳалолимиз ва опа-сингилларимизга кўрсатаётган чиройли муомалаларимизда намоён бўлади.

- Дунёning бошқа халқ ва иллатларида бу маданият ва меҳру оқибат учрамайди. Шу ўринда айтиш мумкинки, аёлларимиз ҳам ўз қадрларини ҳаё ва одобда мужассам деб биладилар.
- Она халқимизнинг тарбияси асосида вояга етган Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малиқ, Гавҳаршодбегим, Нодирабегим каби аждодларимиз **ватанпарвар, оилапарвар**, шарму ҳаёли, **шижоатли** ва ор-номусли бўлиб вояга етишган.
- Миллий қадрият ва одбларимиз аёлларимизнинг қадри, уларнинг ҳаёсида ва одобида мужассамдир.




Ҳаё ва андиша аёл зотида оналик тимсоли бўлса, эркак зотига ҳам сув ва ҳаводек зарур. Ҳаёсиз эркаклар бор жойларда аёлларнинг ҳаё пардалари кўтарилади.

- Ҳаёсиз аёллар яшайдиган жамиятда эса ҳаёсиз ва беандиша фарзандлар дунёга келади.
- Аёл ўз фарзандига ҳаё ва оқибат ҳисларини оналик мөҳри ва оқ сути билан сингдиради.
- Оқибат ва ҳаё, мөҳмондўстлик, болажонлик биз ўзбеклар маданиятининг буюклигидандир.
- Ҳеч бир халқ йўқки, бизнинг она Ватанимиз гўзаллиги ва ҳалқимизнинг мөҳмондўстлигига қойил қолмаган бўлса.



Меҳмондўстлик ва бағрикенглик, оқибат ва андиша миллий менталитетимиз ва миллий бойлигимиздир.

- Бунинг учун фарзандларимизни ўзбек халқининг бой миллий маданиятига мос қилиб тарбиялашимиз зарур.
- Ўз халқининг миллий қадриятларини билмай, ўзгаларнинг ифлос ва ҳаёсиз ҳаракатларига эргашаётган болаларни қандай қилиб ўзбек болалари дея оламиз?
- Уларнинг назоратсиз қолганлиги ва тарбиясиз вояга етаёттанилигига сизу биз айбдор эмасмизми?!

- 
- Айниқса, “оммавий маданият”нинг қурбони бўлаётганлар **ватанфуруш кимсаларга** айланишини ёдимиизда сақлайлик.
 - Ватанфурушлар Ватанини ошкора сотмаслиги мумкин, аммо Ватанини ич–ицидан кемириб, Ватан тараққиётига ҳисса қўшмасдан бефарқ яшаш ватанфурушликнинг бир кўриниши эмасми?!
 - Бу каби салбий сифатлардан болаларимизни асролимиз ва тарбияга жиддий эътиборимизни қаратишимииз мақсадга мувофиқ бўлар эди.
 - Фарзандларимизни спортга, илм олишга, ҳунар ўрганишга, шарму ҳаёли бўлишга ўргатайлик. Бу масъулият сизу бизни ҳеч қачон тарқ этмасин.